

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ИЙЛ
ЧИҚИШИ

№ 34 (5383).

18
ФЕВРАЛЬ
СЕШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ҚАҲРАМОН ХАЛҚ, ҚАҲРАМОН АРМИЯ

— СОВЕТ ХАЛҚИ УРУШНИНГ ОҒИР СИНОВЛАРИГА ШАРАФ БИЛАН
БАРДОШ БЕРДИ. ДУШМАН ТОР-МОР ҚИЛИНДИ, МАЖАКЛАБ ТАШЛАН-
ДИ. БИЗНИНГ АЖОИБ ХАЛҚИМИЗ, ҚАҲРАМОН ХАЛҚ, БАҲОДИР ХАЛҚ
ШОПЛИ ЛЕНИН БАЙРОГИНИ, УЛУГ ОКТЯБРЬ БАЙРОГИНИ, СОЦИАЛИЗМ
БАЙРОГИНИ ПЛАНЕТА УСТИДА БАЛАНД КЎТАРДИ ВА БУ БАЙРОҚНИ
УРУШ ЙИЛЛАРИНИНГ ОЛОВИ ИЧИДАН ҒОЛИБОНА ОЛИБ ЎТДИ.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу сўзлари ҳар бир совет кишиси, жангчи ва офицер, меҳнаткаш ва инқодор учун ғоят қадри қимматли сўзлардир. КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуу Ватан урушида қозongan ғалабасининг 30 йиллиги тўғрисида» қабул қилган қарориде таъкидлаб ўтганидек, Совет Иттифоқининг Улуу Ватан урушида қозongan ғалабаси жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг яшаш ҳақиқатининг ва тошметиндек мустақиллигининг яқин исбот қилди. Бу ғалаба Октябрь вуқудда келтирилган янги иқтисодий ва давлат тўзумининг, социалистик иқтисодиётнинг, марксизм-ленинизм идеологиясининг, совет халқининг маънавий-сиёсий бирлигининг, СССР халқлари бузғунмас дўстлигининг таянчидир. Тарихда мислиси янашар кўрсатган совет халқи бу ғалабанинг асосий бунёдкори бўлди.

Барча совет кишилари сингари ободчилик меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Улуу Ватан урушининг ғалабаси 30 йиллигида бағишланган қарорини эътибор билан қўлиб олдилар. Жаҳон тарихининг бутун боришига жуда катта таъсир кўрсатган бу ғалаба ҳар бир оила, ҳонадон, тинчлик ва тараққиёт учун курашган ҳар бир меҳнаткашга азиз, қадри қимматли. У кунлар қаҳрамонлиги, халқ жасорати ва шўхрати, Куролли Куларимизнинг буюк маҳорати, мамлакат ички-сотиқида фронт ғалабаси учун ҳеч нарсага аямай, кунлар-туналарга улаб мардондор меҳнат қилган ватандошларимизнинг мардлиги, фидокорлиги ёдга ёдгорлик сифатида асрлар бўйи яшайди.

Шавкатли Совет Куролли Куларини гитлерчилар Германияси ва милитаристик Японияга қарши курашларда мислиси мардлик намуналарини кўрсатиб, биргина ўз Ватанларини озод қилиб қолмай, буюк ҳаласкорлик вазиёларини ҳам шараф билан ўтқиздилар. Гитлерчилар Германиясининг, сўнгари эса милитаристик Япониянинг тор-моқ қилиб, Осиё ва Европанинг бир қанча мамлакатлари, миллион-миллион халқлари қирқилиб кетди, қўллик вайронлик, зулм, қабохатдан сақлаб қолинди. Шунинг учун ҳам тарихийларимиз инсоният Улуу Ватан урушининг 30 йиллигини катта байрам сифатида нишонлайди. Совет Армиясининг тинчлик, озодлик, оқсоқиллик, халқ бахти-саодати учун курашувчи Армия деб ҳурмат қилинади ва эъзозланади.

Жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи,— деярлик қарорда,— ленинча коммунистик партия совет халқининг фашистлар Германияга қарши олиб борган курашнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. Коммунистик партия жуда оғир шароитларда совет халқини фашист босқинчиларга қарши муқаддас курашга сафарбар қила олди ва уруш ҳаракатларининг дастлабки даврида вақтинча муваффақиятсизликка учрагандаги қарама-қарши, уруш давомда кескин буррилиб, уруш ғалабаси тугаллашди таъминлай олди. Партия халқ ҳужалигини ҳарбий изга солиб, қайта кураш соҳасида ҳақиқатдан ҳам жуда катта иш қилди. Жанг майдонларида ва фронт орқасида коммунистлар шахсан ўртак кўрсатиб, қаҳрамонона ва мардон ҳаракатлари билан омманнинг жанговарлиги руҳини ошқиндилар, уни жасоратга олтандирдилар, душман устидан тўла ғалаба қозонишга бўлган қатъий ишончини кучайтирдилар. Уруш йилларида партиянинг обрў-эътибори мислиси ўсди, партиянинг сафарлари янада маҳкам янгилашди, партия билан халқнинг бирлиги мустаҳкам бўлиб қолди.

Мана, 30 йилдан ортиқ тинч, инқодий меҳнат қилмоқдамиз. Урушларсиз фаровон ҳаёт кечирмоқдамиз. Бу йилдан мобайнида мамлакатимиз иқтисодик мисли



ЗАРБДОР МЕХНАТ ВАХТАСИДА

ТОШКЕНТДАГИ «Подъёмник» заводининг партия комитети коллективда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Суратда: завод партия комитетининг секретари Хамид Шарафидинов (чапдан учинчи) тушунча танаффус пайтида бюро аъзолари И. Николаев, В. Бочков, Г. Егоров, Б. Вайсбург ва В. Гусковлар билан суҳбатлашмоқда.



Ш. Иброҳимов фотолари, (ЎзТАГ).

МУВАФФАҚИЯТ ЗАФАРГА ЧОРЛАЙДИ

Беш йиллигининг тўртинчи йили колхозимиз аъзолари генералдан пландаги 26,3 центнер ўрнига 31,8 центнердан хирмон кўтарди. Оша-Ватанга 3080 тонна «оқ олтин» аъроғини етказди.

Ўзбекистонда фан ютуқлари ва илмий таърифиш ишлаб чиқаришга жорий — этида катта партия қилинди. 968 гектар майдоннинг қариб ҳаммаси чигит кенг қаторлаб олинди. Бу ўзгаришларни ва ҳосил йиғим-терия механизация воситаларидан самаралроқ фойдаланиш, нам сарф билан мўл ҳосил еттиштириш имконини берди. Колхозда йили ҳосилининг 2577 тоннаси ёки 84 проценти «зағирги кема»лар ёрдамида йиғиб-териб олинди. А. Хужамов, Қ. Ғафуров, А. Убайнов, М. Гойназаров, Т. Камолот, И. Айвазов, Р. Аслонов каби меҳнаткорлар ўз агрегатлари бункертлардан 110—150 тоннадан дур тўқидилар.

Утган йили бошқа соҳалар ҳам анча ривожланди. Давлатга 3135 тонна навоп поёси етказиб берилди. Моллар туғгани ўстириш, гўшт, сут, туҳмун, жуни, ишла еттиштириш ва давлатга сотиш бўлича йиллик планлар ҳам ортири билан ўрилди.

БўКА. (Телефон орқали олинди). «Октябрь 40 йиллик» колхоз кишлоғи бугун гавжум. Колхоз клубига пахтакорлар, механизаторлар, чорвадорлар йиғилишган.

Бу ерда деҳқонлар ва чорвадорлар ўтган йили жуда катта ютуқни қўлга киритдилар. Ҳар гектар ердан 40 центнердан оширди «оқ олтин» еттиштирилди, чорвачилик маҳсулотларини мўлжалдайдан анча қўлайтирилди. Пахтачилик, айниқса йиғим-терияни комплекс механизациялашда намунали ишларни қилдилар. Шу сабабли КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Советининг, ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йил халқ ҳужалик планини муқддасдан илгари баҳараш учун ўқилибди. Бутуниттифок социалистик муносабат ғолиблари қаторида бу колхоз ҳам тақдирланди. Қўма Қанил байроқ олинган сазовор бўлган илгир колхознинг пешқадам кишилари ана шу қувончли во-

Колхоз аъзоларининг фидокорона меҳнати катта даромад келтирди. Ҳужаликнинг утган йилиги янги даромади 2 миллион 251 минг сўмдан ошди. Бу планда белгиланганидан 249 минг сўм ортирди. Фақат пахтачиликнинг ўзидан пландаги 1 миллион 130 минг сўм ўрнига 1 миллион 382 минг сўм даромад олинди.

Ҳар гектар ердан 33—38 центнердан «оқ олтин» еттиштирилди ва ҳосилининг 90—95 проценти «зағирги кема»лар ёрдамида йиғиб-териб олган. М. Сулаймонов, К. Алисултонов, И. Маъмуров, М. Қўболов ўртоқлар бошлик бригадаларининг аъзолари Ҳар бир сўм асосий иш ҳақиға мўлҳимча равишда 70—90 тийиндан ҳақ олдилар.

Қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари еттиштириш қўлайтиришда ҳали резервлардан дуруст фойдаланаётганимиз йўқ. Утган йили илгир бригадалар гектар бошқа 33—38 центнердан пахта ҳосили еттиштиргани ҳолда И. Зониров, Ҳ. Холдиров, А. Алдинов, Ф. Аштаров, У. Вухороев ўртоқлар бошлик бригадаларда гектардан олинган ҳосил 25—28 центнерни ташкил этди, холос. Агар бу бригадаларнинг пахта-

С О В Е Т — А Н Г Л И Я МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

17 февраль кунин Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг Сийосий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин билан Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон ҳамда ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Ж. Каллаган ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Вир қанча муҳим халқаро масалаларни, шунингдек Совет Иттифоқи билан Буюк Британия

ўртасидаги икки томонлама муносабат масалаларини муҳофиза қилиш конструктив, ишчанлик назарияда поёнига етказилди. Бунда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик негизида ҳар томонлама конкрет ҳамкорлик қилиш кенгайтириш зарурлиги тўғрисидаги муштарак фикр изҳор этилди.

Бўлиб ўтган Совет-Англия музокараларининг натижаларини яқинлаб, томонлар ўз ўртасидаги ҳамкорликни, ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга иккала томон ҳам интилишини, улар

бунда Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатларда ҳар икки мамлакат халқларининг бахт-саодати, халқаро тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида янги босқинни бошлаб бериш кўзда тутилганини таъкидлаб ўтдилар.

Шу кунларда Москвада бўлиб ўтган музокараларнинг натижалари тегишли Совет-Англия ҳужжатларида асос этилди, бу ҳужжатлар юксак даражада имзоланди ва матбуотда эълон қилинди. (ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ Г. ВИЛЬСОН БИЛАН СУХБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 17 февраль кунининг биринчи ярмида Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон билан суҳбатлашди.

Улар амалий конструктив ва зиятда баъзи халқаро проблема-

лар юзасидан ва бутун имзоланди Совет-Англия ҳужжатларида белгиланган кенг доирада СССР билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга доир масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. (ТАСС).

КРЕМЛДА СОВЕТ—АНГЛИЯ ҲУЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

17 февраль кунин Кремлда Совет-Англия ҳужжатлари имзоланди.

«Совет-Англия қўшма баёноти», «Маслаҳатлашиб туриш тўғрисида Совет-Англия протоколи», «Ядро қурулини тарқатмаслик тўғрисида Совет-Англия қўшма декларацияси» имзоланди.

Бу ҳужжатларни Совет Иттифоқи номидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев; Буюк Британия биланган қироллик номидан — Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон имзолди.

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги ўртасида иқтисодий ва саноат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг узқ муддатли программаси», «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги ўртасида фан ва техника соҳасида ўн йилга мўлжалланган ҳамкорлик программаси», «Медицина фани ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам-

корлик қилиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги ҳукумати ўртасидаги битим» имзоланди.

Бу ҳужжатларни Совет Иттифоқи номидан СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин; Буюк Британия Бирлашган қироллиги номидан — Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон имзолди.

Ҳужжатларни имзолаш чоғида Ю. В. Андропов, А. П. Кириленко, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар ҳаяр бўдилар.

Англия томонидан Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Ж. Каллаган ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар. (ТАСС).

ЛЕНИНГРАД САФАРИДАН ҚАЙТИБ КЕЛИШДИ

Буюк Британия Бош министри Гарольд Вильсон 16 февралда Ленинграддан Москвага қайтиб келди.

Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Ж. Каллаган, бошқа расмий кишилар ҳам у билан бирга келдилар.

Буюк Британия ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Г. Вильсон ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни СССР Министрлар Совети Рависнинг ўринбосари И. В. Архипов, СССР министрлари кутиб олдилар.

Бош министрға ҳамроҳ бўлиб борган СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. А. Кириленко ва СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. П. Козирев ҳам Буюк Британия Бош министри билан бирга Ленинграддан қайтиб келдилар. (ТАСС).

ЖЕНЕВАДА УЧРАШУВ

ЖЕНЕВА. 17 февраль. (ТАСС). Бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Сийосий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громинов билан АҚШ давлат секретари, президентнинг ишлий ҳавфсинчи масалалари бўйча Ўртадаги Г. Киссинжер ўрта-сида музокаралар бошланди.

Икки томонлама, шунингдек халқаро ҳарактердаги бир қанча масалалар муҳофиза қилинди. Улар орасида Европада ҳавфсинган кенгаш ишнинг бориши, Кипр проблемаси ҳамда СССР билан АҚШ ўртасида стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги янги узқ муддатли битимни таъйишлаш тааллуқли масалалар бор.

Музокараларда Совет томонидан СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добрынин, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, СССР Ташқи ишлар министри лият коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко ва министрнинг катта ёрдамчиси В. Г. Макаров; Америка томонидан У. Стесел, давлат секретариининг ўринбосари И. Сиско ва А. Хартман, давлат департаментининг маъсул ходимлари, Ш. Соннефелд ва У. Хайленд катнашдилар.

Музокаралар давом эттирилади.

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

келиши таънасанга бағишланган митингта йиғилдилар.

Митингнинг колхоз партия ташкилотининг секретари Маҳкам Пўлатов очди. У ҳужалик аъзоларининг ўтган йилиги ишларини ва бу йилги режаларни тўғрисида гапирди. Меҳнатда катта ютуқларга эришганликларни учун шундай муқофот қўлга киритилганини тўғрисида қувонч билан сўзланди.

Шундан кейин юқори ҳосилда бўлишга бошлик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Иброҳимов сўзга чиқиб бундай дейди: — Биз ана шу юксак муқофотга яраша янада ахиқкор меҳнат қилишимиз. Ўтган йили бригадани 135 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта еттиштирган эди. Бу йилги маж-

буриятимиз 52 центнердан. Сўзламанинг устидан албатта чиқамиз.

Сут соғувчи Муҳаббат Абдуллаева ҳаминиқларни эришган ютуқ тўғрисида гапирар экан, бундан кейин нима қилмоқчилиги ҳақида сўзланди.

— Мен ҳам сизлар қатори бу катта муқофотдан жуда қувониб кетдим, у гайратда-гайрат қўшиб юборди. Бултур ҳар бир сизгидан 4300 килограммдан сут соғиб олган бўлам, бу йил 4500 килограммга етказаман.

Бўқалик дондор механизатор Мария Ковалеванинг синглиси Наташа Ковалева шу колхозда бригада бошлиги бўлиб ишлайди. У юрак сўзларини қўйидагича ифодаляди.

— Бригадани аъзолари бу йил

50 центнерлик марран мўлжалламоқдалар. Шунга яраша таъйишлар қилиб қўйганмиз.

Колхоз бош агрономи С. И. Цой сўзга чиқиб, колхоз аъзолари гектаридан 48 центнердан пахта еттиштириш, ҳар бир сизгидан 4400 килограммдан сут соғиб олинган қарор берганликлари биланди.

«Октябрь 40 йиллик» колхозининг аъзолари юксак муқофотга яраша аўр гайрат кўрсатиб, фалокорона меҳнат қилмаклирини, ақунловчи йил топиришларини шараф билан баҳарини учун қўлгама пухта таъйириларни қўриб қўйганликлари ва ҳужаликнинг ҳамма соҳа бўйича ривожлантириш учун зарур тадбирларни амалга оширажакларини ифода-лаб, қарор қабул қилдилар.



урушларида қатнашди, бир неча бор жанговар орденлар билан мукофотланди. Чор армиясининг подполковниги Дмитрий Карбишев Октябрь революцияси биринчи кунлариданоқ Совет ҳокимияти томонига ҳеч иккиланмай ўтади ва шу дакиқадан эътиборан ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини

бий инженерлик фаолиятини катта илмий ва педагогик фаолияти билан қўшиб олиб бори. Қарийб 20 йил ҳарбий академияларда дарс берди, ҳарбий инженерлик санъатининг хилма-хил соҳаларига оид юздан ортиқ китоб ёзди. 1941 йилда Унга ҳарбий фанлар доктори деган

га қараб ўтирилмасин...» дегилганда Карбишев делосига битилган иловада. Чиндан ҳам некайиб, бегоб бўлиб қолган Карбишевни тош кесиб ишларида суткасига ўн тўрт соатлаб ишлатишарди.

Карбишевнинг ватанпарварона матонати бошқа ҳарбий асирларга ҳам катта таъсир кўрсатди. У ҳолдан таянган кишиларга мадад берад, иккиланувчиларни гитлеризм устидан ғалабанинг муқаррарлигига ишонтирар эди. Қарамон генерал овозаси лагердан-лагерга ўтарди. У асирлар учун матонат ва жасорат тим-соли эди.

1945 йил 18 февралнинг қаҳратон совуқ тунида фашист жаллодлари 65 ёшли генерални Маутхаузен лагерининг қор босган майдонига олиб чиқишди. Бундан бир кун аввал уни ярим яланғоч, сўнг яланғоч ҳолида совуқда туршига мажбур қилишган эди. Энди эса жаллодлар Карбишевни девор олдида тургази, устидан бранспойда совуқ сув қўй бошлади. Орадан бир қанча вақт ўтгач, жаллод врач имоси билан сув қўйишни тўхтатишди. Карбишевнинг тана-сини муз қобити қамраб олади, сўнг муз ҳайкалга айланади.

Урушдан сўнг совет кишилари қаҳрамон ҳалок бўлган жойда оқ мармардан ёдгорлик ўрнатди. Бу ёдгорлик одамларга ҳаётнинг сўнгги дами-ригача Ватанга содиқ қолган инсонни доимо эслаб туради.

Ольга МИТРОФАНОВА.
(АПН).

ВАТАНГА САДОҚАТ

Улғур Ватан уруши башланган вақтда инженерлик кўшиклари генерал-лейтенанти Дмитрий Михайлович Карбишев мамлакатимиз гарбий чегараларида, муҳофаа иншоотлари курилишини инспекция қилаётган эди.

1941 йил август бошларида у бир гуруҳа солдат ва офицерлар билан кўшовдан чиқадиганда нароҳатланиб, фашистлар томонидан беҳуш ҳолида қўлга олинди.

Фашистлар Карбишев ҳарбий фаннинг йирик аربоби эканини билишарди. Шу босдан уни ўзларига хизмат қилдиришга уриниб кўрдилар. Аммо, на рағбатлар, на дўк-пўписалар, на айбона иғволар Карбишев иродасини енга олмади.

Дмитрий Карбишев 1911 йилда инженерлик академиясини битириб, фортификация бўйича энг яхши диплом лойиҳаси учун мукофот олган эди. Сўнг у рус-япон ва биринчи жаҳон

меҳнаткаш халқ хизматига сарфлади.

«Мен, эски рус армиясининг собиқ офицери, подшога эмас, ватанга хизмат қилдим, ватанга содиқ қолдим. Революциядан аввал ҳам Россиядаги тартиб-тегислик, зулм, армиядаги калтак интизоми, мансаб янҳадидан каттароқ амалдор олдидан тиз қўйишлар меннинг инфратим ва газабимни уйғотар эди. Қандайдир қолқон фикрлар ўзгача, инсоний ҳаёт учун кураш йўлига ўтишимда тўққинлик қилди. Бундай ҳаёт учун бошқалар жон олиб, жон бериб, курашди, қон тўкиб, инсоний ҳаётни қўлга киритишди. Мен учун ҳам шундай ҳаёт таъмин этилди. Мен фанат соф виждон билан айтаманки, Совет ватанимга ўз халқимга, унинг армиясига хизмат қиламан».

Карбишев ёш Илчи-Дехқон Қизил Армияси сафига киритиб, шундай деб ёзган эди.

Дмитрий Михайлович ҳар-

илмий даража берилди. Карбишев уруш арафасида Коммунистик партия сафига кирди.

«Асир олинган совет генерали Берлинга келтирилди. Унинг номига гестапо томонидан ёзилган маълумотнома-нинг саҳифаларидан бирида шундай деб ёзилганди:

«Бу йирик совет фортификации, эски рус армиясининг катта офицери, ёш олтидан ошган бу одам бол-шевиклик руҳ билан бошдан оёқ захарланган бўлиб, ҳарбий бурчга садоқат ва ватанпарварлик гоясига ашаддий берилган экан. Бизда Карбишевдан ҳарбий-инженерлик ишида мутахассис сифатида фойдаланиш маъносидан уни бутунлай ишонсиз, деб ҳисоблаш мумкин».

Карбишевни Берлин турма-сида қаттиқ азоблаб, сўнг кон-цлагерга, каторга ишларига юборишди. «Унвоин ва ёши-

зилмас дўстлиги ўз аксини то-пган».

Бу ерда яна бир нарсаси Токистон ССР делегацияси олиб келган шоҳи сузана ди-қатни ўзига жалб қилади. Унда барча иттифодш республика-лар Гербаари орасида ёр-қин ипаклар билан тасвирлан-ган СССР герби жидоланиб турипти. Сузана четларига то-ниқ миллий нақшлари, гуллари тикилган.

Виставкада болгар халқининг йўлбошчиси Георгий Димитров портрети ҳам бор. Уни респу-бликамиз олтин тўни танта-наларда қатнашган болгариялик дўстларимиз тақдим этган эди-лар.

Бу табрик ва совғалар қар-дошларимизнинг ўзбек халқига бўлган меҳр-муҳаббатини яққол ифодаб турипти.

А. АБДУЛЛАЕВ.

Кўнгилли Ҳордиқ

Мароқли дам олиш, кўнги-ли ҳордиқ чиқариш ҳар бир кишининг кайфиятини яхши-лайди, меҳнат қобилиятини оширади. Бунга алоҳида эъти-бор берган Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси маъ-мурияти ишчи ва хизматчилар-нинг яхши дам олишларини таъ-кил қилмоқда. Корхона меҳнат-чилари Ватанимиз бўйлаб турис-тик сафарларга чиқишга яхши-ни. Шунингдек, ўтган ёз мавсуми-да «Оқтош», «Ботаника» каби санаторийларда кўплаб киши-лар соғлиқларини яхшилаб қай-тишди. Яна бир гуруҳа ишчи-лар эса мамлакатимизнинг хуш-хаво ва ҳушманзарра дам олиш уйларида ҳордиқ чиқардилар.

Х. ИНОҒОМОВ.

КўРГАЗМАДА— ҚУТЛОВЛАР, СОВҒАЛАР

Марказий В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига қардош республикалар табриги ва совғалари кўргазмаси ташкил этилди.

«Зал тўрида Ўзбекистон Со-вет Социалистик Республикаси-нинг байроғи ва унинг ёнида ўлкамизга тақдим этилган ҳу-кумат орденлари тасвири кўга ташланди. Мукофотлар ора-сида Халқлар дўстлиги ордени ҳам бор. Бу орден Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компар-тиясининг 50 йиллиги муноса-бати билан топширилган эди.

Ушанда безаниб, яна ҳам чирой-онган пойтахтимиз узок-яқин-дан келган меҳмонлар билан янада рағбат бўлиб кетганди. Дўстлар бизнинг катта тўйимиз-га очик чекра, совға-саломлар билан келган эдилар.

Кўргазма саҳифаси КПСС Марказий Комитети Сийёсий бю-росининг аъзоси, КПСС Марка-зий Комитети секретари ўртоқ М. А. Сусловнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида айтган қуйидаги сузлари билан очила-ди:

«Миллионларча руслар ва украинлар, белоруслар ва қоз-оқлар, грузинлар ва озарбай-жонлар, литвалликлар ва молда-ванлар, латвишлар ва қирғиз-лар, тожиқлар ва арманлар, туркманлар ва эстонлар — Совет Иттифодининг барча миллат ва элатларининг меҳ-наткашлари ўзларини бу ерда ҳозир бўлгандек ҳис қилмоқда-лар».

Виставка экспонатларини кўздан кечиришаркансиз, беихти-ёр ўша тантанали кунлар кўз-ингизда намоён бўлади. Ди-апроектор ўзбек диёридаги катта байрам ҳақида ҳикоя қилади. Ундаги суратларда юбилей объектларининг ишта-туширилиши, ўртоқ М. А. Сус-лов ва қардош республикалар делегацияларининг Тошкент аэропорти ва вокзалда кутиб-олиниши, доҳий В. И. Ленин



Суратда: кўргазма залида.

А. Абалин фотоси.

Спорт

БУТУНИТТИҒОҚ СПАРТАКИАДАСИДА

Шаҳар маорифига қарашли болалар спорт мактаби спорт залида мамлакат кишлоқ олий ўқув юрлари спортчилари нинг босе бўйича XII Бутунит-тиғоқ спартакиадаси бўлиб ўт-ди. Бунда барча республика-лардан келган 200 дан зиёд спортчилар иштирок этди. Умумкоманда ҳисобида Чела-бинск командаси биринчи ўрин-ни эгаллади. Краснодар сту-дент спортчилари иккинчи бў-лишди. Республикада спорт шарафини ҳимоя қилган Тош-кент кишлоқ хўжалигинин ири-гациялаш ва механизациялаш

инженерлари институти талаба-лари эса учинчи совринли ўринни олишга муваффақ бў-лдilar. Шахсий ҳисобда А. Бо-рисов ўз вазида биринчи ўрин-ни эгаллаб чемпион бўлди. С. Павлик эса иккинчи ўринга чиқди.

ТОШКЕНТЛИК ГИМНАСТИКАЧИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Москвада ёш гимнастикачи-лар ўртасида кўн кураш бўй-ича Бутуниттиғоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда иттифок-иянинг турли шаҳарларидан келган болалар спорт мактаби-

нинг талабалари ҳамда кўнги-ли спорт жамоиятларининг ва-киллари иштирок этдилар. Тошкентлик Кузнецова шоғир-ди Ольга Тимофеевна брусседа мусобақаларинида ҳаммадан кўн бал ўтлаб биринчи ўрин-ни эгаллади ва олтин медал билан тақдирланди.

МУСОБАҚАЛАР КАЛЕНДАРИ

СССР футбол федерацияси мамлакат биринчилиги учун олий лига қатнашчилари ўрта-сидан мусобақалар календари-ни эълон қилди. «Пахтакор» дастлабки урашувларини 12 апрелда кўн Ле-нинграднинг «Зенит» 18 ап-релда эса Москванинг «Локо-мотив» командаси билан ўтқа-зади. Футболчиларимиз на-батдаги ўйинларни 20 ва 26 апрелда Москвада «Спартак»

ва «Динамо» коллективлари билан ўтказиб, сўнг яна Тош-кентга қайтиб келадилар, Рос-тов армиячиларини қабул қи-ладилар.

2 марта эса Тошкентда ёш футболчилар ўртасида атъана-вий халқаро турнир бошлана-ди. Бу сафар турнирда саккиз команда Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакия, Финляндия, СССРнинг 1 ва 2-терма коман-далари ҳамда Ўзбекистон фут-болчилари қатнашадилар. Ўт-ган турнирда республикамиз терма командаси муваффа-қиятли қатнашиб, финалда СССР — 1 командасига кес-кин спорт курашида ютқазиб, фахрли иккинчи ўринни эгал-лаганини эслатиб ўтмоқчимиз.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

„ОСМОН ҚУЧОҒИДАМАН“

НОМЛИ ЯНГИ, КЕНГ ФОРМАТЛИ
БАДИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРДИ



17 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ


САНЪАТ САРОИИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК» КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛА-РИДА БУ ҚИЗИҚАРЛИ ФИЛЬМ НАМОИШ ҚИЛИНМОҚДА.
СИЗНИ «ОСМОН ҚУЧОҒИДАМАН» ФИЛЬМИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!



Сценарий муаллифлари — О. СТУКАНОВ, Т. КОЖЕВНИКОВА, М. ПИНКЕВИЧ.
Постановкачи режиссёр — ВАЛЕРИЙ ЛОНСКИЙ.
Постановкачи оператор — ИГОРЬ ЧЕРНЫХ.
Постановкачи расм — БОРИС НЕМЕЧЕК.

РОЛЛАРДА: ИГОРЬ ЛЕДОГОВОВ, ЛАРИСА ЛУЖИНА, ВЛАДИМИР ЗАМОНС-КИЙ, НАТАЛЬЯ БОНДАРЧУК, ЗИНАИДА КИРЕНКО, УЛДИС ЛЬЕЛДИДЖ, ЮРИИ ДУДКО, ВЛАДИМИР ЗЕМЛЯНИКИН ВА БОШҚАЛАР ҚАТАШАДИЛАР.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.



Тошкент шаҳридаги кинотеатрларга
марҳамат қилинг!